

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 06/29.10.2021.V.139.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**УЛАШОВ ИЛҲОМ АҲМАДОВИЧ**

**БЕНЗИМИДАЗОЛ ВА ХИНАЗОЛИНЛАР АСОСИДА ЯНГИ,  
МАҲАЛЛИЙ АНТГЕЛЬМИНТ ВОСИТАЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**03.00.06 - Зоология**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
ветеринарным наукам**

**Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciens**

**Улашов Илхом Аҳмадович**

Бензимидазол ва хиназолинлар асосида янги, маҳаллий антгельминт  
воситалар ишлаб чиқиш ..... 3

**Улашов Илхом Аҳмадович**

Разработка новых, местных антгельминтных средств на основе  
бензимидазола и хиназолинов ..... 23

**Ulashov Ithom Ahmadovich**

Development of new local anthelmintic agents based on benzimidazole and  
quinasolines ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 45

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 06/29.10.2021.V.139.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**УЛАШОВ ИЛҲОМ АҲМАДОВИЧ**

**БЕНЗИМИДАЗОЛ ВА ХИНАЗОЛИНЛАР АСОСИДА ЯНГИ,  
МАҲАЛЛИЙ АНТГЕЛЬМИНТ ВОСИТАЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**03.00.06 - Зоология**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/V30 рақам билан  
рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ветеринария илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.viti.uz](http://www.viti.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Орипов Анвар Орипович**  
ветеринария фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Гафуров Ақтам Гафурович**  
ветеринария фанлари доктори, профессор

**Давлатов Равшан Бердиевич**  
ветеринария фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва  
чорвачилиқни ривожлантириш давлат қўмитаси**

Диссертация ҳимояси Ветеринария илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD06/29.10.2021.V.139.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 141500, Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани, Тойлоқ шаҳарчаси, Беруний кўчаси 35 уй. Тел.: (+99866) 666-56-60; факс:(+99866) 666-56-66; e-mail: [nivi@vetgov.uz](mailto:nivi@vetgov.uz))

Диссертация билан Ветеринария илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 141500, Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани, Тойлоқ шаҳарчаси, Беруний кўчаси 35 уй. Тел.: (99866) 666-56-60; факс:(99866) 666-56-66).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги №\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**Б.А.Элмуродов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
вет.ф. д., катта илмий ходим

**Ж.М.Исаев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
вет.ф.ф.д., катта илмий ходим

**Г.Х.Мамадуллаев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
вет.ф.д., катта илмий ходим

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблигива зарурати.** Бугунги кунда дунёда чорвачиликни ривожлантириш, моллар туёқ сонини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини оширишда турли юкумли, паразитар ва юкумсиз касалликлар, шу жумладан гельминтозлардан фасциоллёз, маршаллагияоз, нематадиروز, ошқозон ичак стронгилятозлари ва монезиоз жиддий тўсқинлик қилиб ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини пасайишига ва нобуд бўлишига олиб келмоқда. Гельминтозларни даволаш ва олдини олишда ишлаб чиқариладиган антгельминт воситалар арзон ва сифатли бўлиши, энг аввало маҳаллий, яъни ўзимизни Республикамизда ишлаб чиқиши муҳим аҳамият касб этади. «Гельминтозларни даволаш ва уларнинг олдини олишда янги антигельминтик препаратларни ишлаб чиқариш мақсадида бир йилда чорвачилик учун 400 млн, одамлар учун 800 миллион доллардан ортиқроқ маблағ сарфланмоқда»<sup>1</sup>. Чорва моллари ва паррандаларнинг ҳозирги даврда кенг тарқалган асосий гельминтозларини аниқлаш, уларга қарши чоратадбирларни такомиллаштириш, янги маҳаллий воситалар асосида антгельминт воситалар яратиш муҳим вазифалардан биридир.

Дунё миқёсида гельминтозларга қарши курашишда янги, юқори самарали антигельминт воситалар ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш технологияси бўйича дунёнинг бир қатор мамлакатлари, жумладан АҚШ, Англия, Франция, Германия, Ҳиндистон, ва бошқа мамлакатларда янги антигельминт воситалар: бензимидазоллар, трибендимидин, триклабендазол, оксифендазол, рекабендазол ва бошқа антгельминт воситалар ишлаб чиқиш бўйича кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда барча соҳалар билан бир қаторда чорвачилик соҳаси ҳам жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Охирги йилларда юзага келган чорвачилик хўжалиklarининг шакли ва чорвачилик юритиш технологиясидаги ўзгаришлар, чорва молларининг бош сонини чет элдан олиб келинадиган моллар билан тўлдириб бориш, уларнинг генофонди ва ҳудудий шароитда касалликларга қарши табиий чидамлилигини ўзгариши ва бошқа омиллар туфайли касалликлар, жумладан гельминтозларнинг тарқалиши ва эпизоотологиясида рўй берган ўзгаришлар, уларга қарши даволаш-профилактика услуб-воситаларини такомиллаштириш, янги, ҳозирги шароитга мос келадиган чора-тадбирлар тизимларини ишлаб чиқиш ва маҳаллий хом-ашё ва технологиялар асосида импорт ўрнини босадиган даволаш-профилактика воситалари яратишни тақозо қилади. Шу нуқтаи назардан чорва моллари орасида учрайдиган инвазион касалликларнинг тарқалишини аниқлаш ҳамда уларга қарши юқори самарали даволаш-профилактика чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш муҳим ва долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-

---

<sup>1</sup>Joseph A.DiMasi, Ronald W.Hansen, Henry G.Grabowski. The price of innovation: new estimates of drug development costs. // Journal of Health Economics. Volume 22, Issue 2, March 2003, Pages 151-185.

60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»<sup>1</sup> ҳамда 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сонли «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва 2019 йил 28 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат Қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4254-сонли қарори, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация доирасидаг тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқотлар Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мазкур йўналиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида чорва моллари гельминтофаунаси, турли токсонимик гуруҳларга тааллуқли гельминтларнинг тарқалиши, улар кўзғатадиган гельминтозлар, бу инвазияларнинг турли географик-иқлим минтақаларида тарқалиш даражаси, инвазияларнинг мавсумий динамикаси ва ҳайвон ёшига кўра тарқалиши, бу касалликлар кўзғатувчиларининг биологик хусусиятлари, гельминтозларнинг патогенези, клиник кўриниши, даволаш-профилактика чора-тадбирларининг ҳажми ва самарали муддатлари, турли гельминтозларга қарши антгельминт воситалар ва уларни қўллаш услублари ишлаб чиқилган.

Бензимидазоллар ва уларнинг антигельминтик хусусиятлари бўйича хорижий олимлар С.С.Халиков, И.А.Архипов, А.И.Варламова, М.С.Халиков, Ю.С.Чистяченко, А.В.Душкин, Б.М.Мусаев, В.Е.Абрамов, А.С.Гуляев, С.К.Семенова, Е.С.Енгашева, В.Г.Москалев, А.Б.Муромцев, M.Babjak, A.Konigova, L.Burchakova, M.Komaromyova, M.U.Dolinska, M.Varady, A.Melanie, M.Richard, R.Alan, Mc.Kellar, R.Diego, Oliveira, M.Diogo, Ferreira; C.Carolina, Stival, F.Romero, F.Cavagnoli, A.Kloss, B.Flavia, Araujo, V.Marcelo, Molento, Ўзбекистонда Э.Х.Эргашев, А.О.Орипов, Ч.Ш.Қодиров, М.Х.Холматов, Х.М.Шоҳидоятлов, Б.Ж.Элмуродов, Ш.А.Джабборов, Н.Э.Йўлдошев, О.З.Амонов ва бошқалар томонидан қатор тадқиқотлар ўтказилиб, мазкур препаратларнинг кимёвий хусусиятлари ҳамда гельминтозларни олдини олиш ва даволаш самарадорлиги бўйича муҳим илмий натижаларга эришилган.

Ҳозирги даврда республикамизда кимё фанининг жадал суръатлар билан ривожланиши, ветеринария соҳаси учун, жумладан гельминтозларга қарши, янги даволаш-профилактика воситалар ишлаб чиқишни тақозо қилади. Бу

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони.

йўналишдаги тадқиқотлар натижасида гельминтозларга қарши янги антгельминт воситалар яратиш, айниқса импорт ўрнини босадиган маҳаллий воситалар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасининг илмий тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Ветеринария илмий-тадқиқот институти (ВИТИ) илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-9-021-2015 «Чорва моллари ва паррандаларнинг гельминтозларига қарши курашиш усуллари ва омилларини такомиллаштириш, янги даволаш ва профилактика воситаларини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш» (2015-2017 йй.), БВ-А-ҚХ-2018-16 «Чорва моллари ва паррандаларни хавфли гельминтозлардан ҳимоя қилиш, профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш, антгельминт препаратлар яратишнинг илмий асослари ва методологик жиҳатларини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.), мавзуларидаги илмий амалий лойиҳалар бўйича Давлат дастури доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** чорва моллари ва паррандаларнинг ҳозирги даврда кенг тарқалган асосий гельминтозларини аниқлаш, уларга қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш, янги хом-ашё ва технологиялар асосида маҳаллий антгельминт воситалар яратиш ва амалиётга тадбиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

чорва молларнинг асосий гельминтозлари ва уларнинг тарқалишини аниқлаш;

антгельминт воситаларнинг кимёвий хусусиятларини аниқлаш ва янги антгельминт воситалар яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўсимлик моддалари кимёси Институтида (ЎМКИ) синтез қилинган 2-ацетиламинобензимидазол, хиначолин ва бошқа янги кимёвий моддаларнинг антгельминт хусусиятларини аниқлаш;

самарали антгельминт восита – албендазолнинг суспензия шакли «Альсус» препаратини ишлаб чиқиш ҳамда самарадорлигини баҳолаш;

хиначолин ва хиначолин-НСI препаратларининг хусусиятлари ва самарадорлигини аниқлаш ва амалиётга тадбиқ этиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республикаимизнинг Самарқанд, Навоий, Тошкент ва Қашқадарё вилоятлар чорвачилик хўжаликлари, аҳолининг шахсий қарамоғидаги ва фермер хўжаликларидаги қорамоллар ва қўйлар, гельминтлар ва асосий гельминтозлар, кимёвий моддалар ва маҳаллий антгельминт воситалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** гельминтологик тадқиқотлар жараёнида йиғилган гельминтологик материаллар, гельминтлар, қорамол, қўйлар, кимёвий препаратлар, гельминтозларнинг профилактикаси ва даволаш чора-тадбирлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Эпизоотологик, клиник, микроскопик, паразитологик, гельминтологик, гельминтоовоскопик, гельминтолярвоскопик ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

- ҳозирги замон чорвачилик юритиш технологияси шароитида қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан қўйларнинг 85,6 фоизи, қорамолларнинг 68,45 фоизи, отларнинг 80,82 фоизи ва ерда боқиладиган паррандаларнинг 80,15 фоизи асосий гельминтозлар билан зарарланганлиги аниқланган;

- антгельминт воситаларни кимёвий хусусиятлари билан уларнинг антгельминт фаоллиги ўртасидаги боғлиқлик аниқланган, натижада кимёвий таркибида хлор моддаси ва унинг бирикмалари бўлган кимёвий воситаларнинг аксарияти гельминтларнинг Trematoda синфи вакилларига қарши таъсир қилиши, таркиби мис, мишьяк ва бошқа моддалар тузлари бўлган воситалар гельминтларнинг Cestoda синфи вакилларига қарши таъсир кўрсатиши, бензимидазолларга асосланган антгельминт воситалар эса кенг таъсир доирага эга эканлиги аниқланган;

- республикада янги, маҳаллий хом-ашёлар ва янги технология асосида ЎМКИда синтез қилинган 2-ацетиламинобензимидазол (2-АЦБ)нинг антгельминт хусусиятлари ва унинг турли гельминт гуруҳларига нисбатан самарадорлиги аниқланган ҳамда бу воситани антгельминт сифатида қўллаш дозалари ишлаб чиқилган;

- республикада илк бор Навоий Азот ИБда ишлаб чиқарилган албендазолнинг суспензия шакли – «Альсус» препаратини фасциолёзга қарши 80 фоиз, бошқа гельминтозларга қарши 100 фоиз антигельминт самараси аниқланган;

- ЎМКИ да яратилган хиназолин-4-он ва унинг гидрохлоридли ҳосиласининг фасциолоцид хусусиятлари аниқланган.

### **Тадқиқотларнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

Республикада чорвачилик юритишнинг ҳозирги, яъни замонавий технологияси шароитида чорва молларининг асосий гельминтозлари ва уларнинг тарқалиш даражаси аниқланган:

чорва молларининг асосий гельминтозларига қарши янги, маҳаллий воситалар яратишнинг илмий асосларини яратиш мақсадида антгельминт воситаларнинг кимёвий хусусиятлари (эмпирик ва структура формулалари, таркибидаги элементлар ва уларнинг нисбати, молекуляр оғирлиги ва бошқалар) билан антгельминт фаоллиги ва турли гельминтлар гуруҳларига таъсир этиши билан боғлиқлиги ва янги антгельминт воситалар яратишнинг илмий асослари яратилган;

республикада синтез қилинган антгельминт воситалар 2-ацетиламинобензимидазол ва хиназолинларнинг антгельминт хусусиятлари ва самарадорлиги аниқланган ва бу воситаларни қўллаш бўйича “Қўлланмалар” ишлаб чиқилган;

республикада илк бор янги маҳаллий юқори самарали антгельминт восита – албендазолнинг 10%-ли суспензияси – “Альсус” яратилган ва бу воситани саноат негизида ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** текширишларни гельминтологик услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, бирламчи маълумотларга ишлов бериш ва илмий таҳлил қилиш, олинган

назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, уларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, гельминтологияда қабул қилинган ва ишончли услублар билан бажарилганлиги, олинган маълумотларнинг чуқур илмий таҳлил қилинганлиги ва тўғри хулосалар қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотларнинг илмий аҳамияти ҳозирги шароитда чорва моллари асосий гельминтозларининг тарқалиши бўйича ҳамда антгельминт воситаларнинг кимёвий хусусиятлари билан уларнинг гельминтларга қарши фаоллиги бўйича олинган маълумотлар, илк бор янги, маҳаллий антгельминт воситалар яратишда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти янги антгельминт препаратлар – 2-АЦБ, «Альсус» ва хиназолин каби маҳаллий воситалар ишлаб чиқилиши ва уларни гельминтозларга қарши кураш амалиётида кенг қўламда қўлланиши, ҳозирги шароитга мос келадиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, маҳаллий хом-ашё ва технологиялар асосида импорт ўрнини босадиган даволаш-профилактика воситаларни яратишга хизмат қилишдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бензимидазол ва хиназолинлар асосида янги, маҳаллий антгельминт воситалар ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижалари асосида:

«Альсус (албендазолнинг 10% суспензияси)ни қўллаш бўйича» Қўлланма 2018 йил декабрда Давлат Ветеринария Бош бошқармаси томонидан тасдиқланган ва «Альсус» суспензияси амалиётга Қашқадарё вилоятидаги «Қоракўлчлик илмий наслчилик тажриба станциясида» «Чиркай» чорва фермер хўжаликларида, Самарқанд вилояти Ургут ва Тойлоқ туманларидаги шахсий хўжаликлари чорва моллари гельминтозларига қарши қўлланилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2021 йил 14 декабрдаги 02/23-2266-сон маълумотномаси). Натижада чорва молларининг турли гельминтозлар билар зарарланишининг 85-90 фоиз олдини олиш ва даволашга эришилган;

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат Қўмитаси томонидан 2021 йил 18 ноябрда «Қўйлар фасциолёзига қарши хиназолин препаратини қўллаш бўйича» Қўлланма тасдиқланган ва амалиётга Қашқадарё вилоятидаги «Қоракўлчлик илмий наслчилик тажриба станциясида», Самарқанд вилояти Ургут ва Тойлоқ туманларидаги фермер хўжаликлари, шахсий хўжаликлари чорва моллари гельминтозларга қарши қўлланилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2021 йил 14 декабрдаги 02/23-2266-сон маълумотномаси). Натижада хиназолин чорва молларининг фасциолаларини 75-80% кескин камайтириш имконини берган;

2-ацетиламинобензимидазол ва унинг гидрохлориди Қашқадарё вилоятидаги «Баҳриддин бобо авлодлари» чорва фермер хўжалигида,

Самарқанд вилояти Ургут ва Тойлоқ туманларидаги шахсий хўжаликлари чорва моллари гельминтозларига қарши қўлланилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2021 йил 14 декабрдаги 02/23-2266-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида чорва молларининг турли гельминтозлар билан зарарланишини олди олинган ва 80-90 % даволашга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотлар натижалари жами 5 та, жумладан 3 та халқаро, 2 та Республика илмий-амалий анжуманларида, ВИТИНинг илмий кенгаш мажлисларида (2017-2020 йй.), турли вилоятлар, туманлар ва чорвачилик хўжаликларда ўтказилган семинарларда муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та, жумладан 9 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган, шунингдек 3 та Патент олинган ҳамда 2 та қўлланма ишлаб чиқилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса ва амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг Республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишига мослиги, тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотларда фойдаланилган усуллар, тадқиқотлар мавзусининг ўрганилганлик даражаси, диссертация доирасида бажарилган тадқиқотларнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижалари асосида олинган «Патент»лар (3 та) ва ишлаб чиқилган «Қўлланмалар» (2 та), диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Адабиёт маълумотлари ва уларнинг таҳлили**» деб номланган биринчи бобида, антгельминт воситалар, уларнинг кимёвий тузилиши, ўсимлик ва бошқа тоифадаги вакиллари ҳақида, антгельминт воситаларни ўрганиш тарихига боғлиқ маълумотлар, жумладан улуғ бобокалонимиз Абу-Али Ибн Синонинг ноёб дурдона асари, «Тиб қонунлари»да қайд қилинган гельминт (курт)ларни «одам ичидан ҳайдаб чиқариш»га бағишланган маълумотлар, Собиқ СССРда ишлаб чиқилган ва Н.В.Демидовнинг (1982) «Антгельминтики в ветеринарии» деб номланган йирик монографик асарида қайд қилинган антгельминт воситалар, жумладан фенотиазин, пиперазин, тетраимизол (леваимизол), тиабендазол ва бошқа

бензимидазоллар гуруҳига кирувчи антгельминт воситалар – албендазол, фенбендазол ва бошқа кимёвий гуруҳларга мансуб антгельминт препаратлар, уларнинг кимёвий тузилиши, қайси кимёвий моддалар гуруҳига мансублиги, антгельминт воситаларни қўллаш усуллари ва уларнинг турли гельминтлар, турли тур хайвонларнинг гельминтозларига қарши фаоллиги ва самарадорлиги бўйича кенг-қўламли маълумотлар баён этилган.

**Хусусий тадқиқотлар** ва уларнинг натижалари диссертациясининг 2, 3, 4-нчи ва 5-нчи бобларида баён этилган, жумладан диссертациянинг иккинчи бобида чорва моллари – қўй-эчкилар, қорамол, от ва паррандаларнинг асосий гельминтозлари ва уларнинг тарқалиш даражаси бўйича маълумотлар акс этдирилган.

Ушбу тадқиқотлар Республиканинг турли вилоятларида олиб борилган бўлиб, жами 2112 бош қўйлар, 466 бош қорамол, 73 бош от ва 252 бош парранда (товук)ларда олиб борилган гельминтологик текширишлар натижалари таҳлил қилинган. Олинган натижаларга кўра (1-жадвал, 1-диаграмма) текширилган қўйлар орасида 1808 бош ёки 85,6% умуман гельминтозлар билан, шу жумладан 1001 бош, яъни 47,4% қўйлар маршаллагияоз, 837 бош ёки 39,6% қўйлар нематодироз, 1515 бош яъни 71,73% қўйлар бошқа ошқозон ичак стронгилятозлар қўзғатувчилари билан, 540 бош ёки 25,6% қўйлар фасциолёз билан, 219 бош, яъни 10,4% қўйлар мониезиз билан, 14 бош, яъни 0,7% токсокароз ва 8 бош яъни 0,4% диктиокаулёз қўзғатувчилари билан зарарланганлиги аниқланган.

**1-диаграмма**



Текширилган 466 бош турли ёшдаги қорамоллардан 319 бош ёки 68,45

фоизи турли гельминтозлар билан зарарланганлиги аниқланди. Олинган маълумотларга кўра 169 бош (36,2%) мол маршаллагияоз билан 72 бош (15,5%) нематодироз, 234 бош, (50,2%) бошқа ошқозон ичак стронгилятозлари, 20 бош, (4,29%) фасциолёз, 17 бош, (3,6%) парамфистоматозлар ва 19 бош (4,07%) мониезиоз кўзгатувчилари билан зарарланган (1-жадвал, 2-диаграмма).


**1-жадвал**

**Чорва моллари – қорамол ва қўй-эчкиларнинг гельминтозлар билан экстензарарланганлиги (гельминтокопрологик текширишлар асосида)**

Гельминтозлар	Қорамоллар n=466		Қўй-эчкилар n=2112	
	бош	%	бош	%
Маршаллагияоз	169	36,2	1001	47,4
Нематодироз	72	15,5	837	39,6
Бошқа ошқозон-ичак стронгилятозлари	234	50,2	1515	71,73
Фасциолёз	20	4,29	540	25,6
Парамфистоматозлар	17	3,6	-	-
Мониезиоз	19	4,07	219	10,4
Токсокароз	-	-	14	0,7
Диктикаулёз	-	-	8	0,4
<b>Умумий зарарланганлик</b>	<b>319</b>	<b>68,45</b>	<b>1808</b>	<b>85,6</b>

Тадқиқотлар натижаларига кўра чорва моллари, айниқса қўйлар орасида гельминтозлар кенг тарқалган бўлиб, асосий гельминтозлар – маршаллагияоз, нематодироз, бошқа ошқозон-ичак стронгилятозлари, фасциолёз ва мониезиоз каби гельминтозлардир.

**2-диаграмма**




Текширилган 73 бош отлар орасида 59 бош, яъни 80,32% умуман гельминтозлар билан зарарланганлиги аниқланди, жумладан 47 бош отлар, яъни 64,38%и – стронгилёз билан, 13 бош (17,88%) – стронгилидоз, 12 бош отлар (16,44%) – параскаридоз, 28 бош (38,35%) отлар трихонемоз ва 13 бош (17,9 %) отлар фасциолёз билан зарарланган (2-жадвал, 3-диаграмма).

2-жадвал

**Отларнинг гельминтозлар билан зарарланганлиги (n=73)  
(гельминтокопрологик текширишлар асосида)**

Гельминтозлар	Экстензарарланганлик	
	бош	%
Стронгилёз	47	64,38
Стронгилидоз	13	17,88
Параскаридоз	12	16,44
Трихонемоз	28	38,35
Оксиуроз	3	4,10
Аноплоцефалёз	2	2,7
Фасциолёз	13	17,9
Умумий зарарланганлик	59	80,82

3-диаграмма



Текширилган 252 бош товуқларнинг 44,84%и (113 бош) аскаридиоз, 30,95% (78 бош) гетеракидоз, 2,38% (6 бош) райетиноз ва 0,79% (2 бош)

простогонимоз билан зарарланганлиги аниқланди. Ер (пол)да сақланадиган товуқларнинг 80,1 фоизи умуман гельминтозлар билан зарарланган эди (3-жадвал, 4-диаграмма).

3-жадвал

**Парранда (товуқ)ларнинг гельминтозлар билан экстензарарланганлиги (гельминтокопрологик текширишлар асосида ) n=252**

Гельминтозлар ва кокцидиоз	Экстензарарланганлик	
	бош	%
Аскаридиоз	113	44,84
Гетеракидоз	78	30,95
Райётиноз	6	2,38
Простогонимоз	2	0,79
Кокцидиоз	28	11,1
Умумий зарарланганлик	202	80,15

Диссертациянинг «Гельминтозларига қарши препаратларнинг кимёвий ва антгельминт хусусиятлари орасидаги боғлиқлик» деб номланган 3-бобида ветеринария ва тиббиётда қўлланилиб келинган ҳамда охириги йилларда синтез қилинган антгельминт препаратларнинг кимёвий хусусиятлари билан уларнинг гельминтларга қарши фаоллиги бўйича махсус тадқиқотлар ва уларнинг натижалари баён этилган.

4-диаграмма



Жумладан, гельминтларнинг Trematoda Rudolphi, 1808; Cestoidae

Rudolphi, 1808 va Nematoda Rudolphi, 1808 синфлари вакилларига қарши фаол воситалар – трематоцидлар, цестодоцидлар ва нематоцидлардан иборат жами 72 хил кимёвий моддалар бўйича маълумотлар келтирилган. Бу маълумотларда 12 та трематоцид, 9 хил цестодоцид ва 48 хил нематоцидлар ҳамда 3 та кенг таъсир доирага эга бўлган антгельминт воситаларнинг кимёвий хусусиятлари – кимёвий номланиши, синонимлари, эмпирик ва структура формулалари, молекуляр оғирлиги, таркибидаги кимёвий элементларнинг нисбий миқдори (фоиз ҳисобида) баён этилган (5-диаграмма).

Ушбу маълумотлар трематодаларга қарши фаол бўлган антгельминт препаратларнинг 75 фоизи (9 та препарат) хлор бирикмалари эканлиги аниқланди. Барча (100%) трематоцидларнинг таркибида водород, 8 (66,6%) бу тоифадаги препаратлар таркибида кислород, 7(58,3%)-азот ва 2 тадан (16,7%) препаратлар таркибида бром ва йод мавжудлиги аниқланди.

5-диаграмма



Цестодоцид хусусиятга эга бўлган моддаларнинг аксарияти турли металлларнинг тузлари – мис карбонати  $[(\text{CuCO}_3 \cdot \text{Cu}(\text{OH})_2)]$ , мис сульфат (мис купориси)  $[\text{CuSO}_4 \cdot 5\text{H}_2\text{O}]$  мишьякнинг қалай (Sn) билан бирикмаси (мишьяковокислород олово), мишьякнинг магний билан (магний арсенат) ва кальций билан (кальций арсенат) тузлари –  $\text{MgAsO}_4$ ,  $\text{Ca}(\text{As}_5\text{O}_4)_2$ . Ўтган асрнинг 50-60 йилларида маълум бўлган препарат – дихлорофен хлор ҳосиласи бунамидин эса ўз таркибида азот моддасини (7,3%) сақлайди.

Таҳлил қилинган 48 та нематодаларга қарши фаол бўлган антгельминт препаратларнинг барчаси (100%) таркибида водород ва кислород, 75,0%,

яъни 36 та нематодоцидлар азот, кўмир (карбон), водород ва кислород билан бирикмалари (метиридин, меретин, пиперазин)дир. Ушбу таркибида азот моддаси бўлган антгельминт моддалар гуруҳига ўтган асрнинг 60-нчи йилларида яратилган ва ветеринарияда кенг қўлланилиб келинган фенотиазин ҳамда тетраимизол (нилверм), левамизол, медамин, билевон бўлиб ҳисобланади. Яна бир қатор нематодоцидлар таркибида водород, кислород, углерод, азот ва хлор сақлайди – тролен, реулен, 2.4-diamino-5-(p-chlorophenyl)-9-methyl-1,3,5-triazospizo[5,5]-undeca-1,3-dien, битионол, нитродан, банмит, тролен, тигувон, фенотиазин, лауримин.

Умуман, 48 та нематодаларга қарши фаол антгельминт воситаларнинг 37,5 фоизининг таркибида олтингугурт (S), 18,8% нематодоцидлар таркибида хлор (Cl), 8,3% нематодоцидлар таркибида фосфор (P), 4,16% нематодицидлар таркибида бром (Br) ва 2,08% таҳлил қилинган нематодоцид хусусиятга эга бўлган препаратлар таркибида йод (I) моддаси мавжудлиги аниқланди (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Турли антгельминт хусусиятли воситаларнинг кимёвий таркиби

Кимёвий элементлар	Трематодоцидлар		Цестодоцидлар		Нематодоцидлар		Кенг таъсир доирага эга бўлган модда	
	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%
Азот (N)	7	58,3	3	33,3	36	75,0	3	100,0
Кислород (O)	8	75,0	9	100,0	31,0	64,8	3	100,0
Водород (H)	12	100,0	7	77,7	48	100,0	3	100,0
Углерод (кўмир) ©	12	100,0	5	55,5	48	100,0	3	100,0
Олтингугурт (S)	1	8,3	1	11,1	18	37,5	2	66,6
Хлор (Cl)	8	75,0	2	22,2	9	18,8	1	33,3
Фосфор (P)	–	–	–	–	4	8,3	–	–
Бром (Br)	2	16,7	–	–	2	4,16	–	–
Йод (I)	2	16,7	–	–	1	2,08	–	–
Мис (Cu)	–	–	2	22,2	–	–	–	–
Мишьяк (As)	–	–	3	33,3	–	–	–	–
Олово (Sn)	–	–	1	11,1	–	–	–	–
Кальций (Ca)	–	–	1	11,1	–	–	–	–

Антгельминт воситаларнинг яна бир тоифаси, кенг антгельминт таъсир доирага эга бўлган препаратлар бўлиб, улар бензимидазоллар гуруҳига мансубдир. Булар гельминтларнинг ҳам Nematoda, ҳам Cestoda синфлари вакилларига нисбатан фаол бўлган восита – фенбендазол (C<sub>15</sub>H<sub>13</sub>N<sub>3</sub>O<sub>2</sub>S)

панакур, фенкур ва бошқ. Ушбу гуруҳга мансуб албендазол ( $C_{12}H_{15}N_4O_2S_2$ ) патоген гельминтларнинг ҳар учала синфи (Trematoda, Cestoidae ва Nematoda) вакилларига қарши юқори антгельминт самара кўрсатади. Кенг таъсир доирага эга бўлган маҳаллий, Ўзбекистон ФАнинг ЎМКИ билан ҳамкорликда яратилган 2-ацетиламинобензимидазол (2-АЦБ)нинг кимёвий формуласи –  $C_{18}H_{19}ClN_8O_2$  бўлиб, шу тоифадаги воситалар – фенбендазол ва албендазолдан фарқли ўлароқ, унинг таркибида хлор (Cl) мавжуд.

Кўпчилик (65,6%) трематоцид воситалар таркибида хлор ва кислород мавжуд, уларнинг 58,7 фоизида азот мавжудлиги аниқланди. Бу кимёвий элемент, яъни азот 75% нематоцид воситалар таркибида ҳам мавжуд эканлиги диққатга сазовордир. Барча (100%) кенг таъсир доирага эга бўлган антгельминт препаратлар – фенбендазол, албендазол, 2-АЦБ ҳам ўз таркибида азот моддасини сақлайди.

Кўпчилик, яъни, 77,7% цестодоцид препаратлар таркибида водород, 5 таси, яъни 55,5%нинг таркибида олтингугурт мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кўпчилик, яъни 9 тадан 5 та ёки 55,5% цестодоцид препаратлар турли тузлардир, улардан 3 таси мишьяк тузлари яна 2 таси мис карбон (углекислая медь) ва мис купороси бўлиб ҳисобланади.

Нематоцидларнинг барчаси (100%) ўз таркибида водород ва углерод (карбон), уларнинг кўпчилиги (36 ёки 75%) таркибида азот моддаси мавжуд. Шунингдек, 37,5% ёки 18 та нематоцидлар таркибида олтингугурт (S), 9 та (18,8%) нематоцидлар таркибида хлор (Cl), 4 та (8,3%) нематоцидлар таркибида фосфор, 2 та (4,16%) – бром ва 1 та (2,08%) нематоцидлар таркибида йод мавжуд.

Ҳар учала (100%) кенг таъсир доирали антгельминт воситалар – фенбендазол, албендазол ва 2-АЦБ бензимидазоллар ҳосилалари бўлиб, улардан иккитаси, яъни фенбендазол ва албендазол таркибида карбон (кўмир), водород, кислород, азот ва олтингугурт, 2-АЦБ таркибида эса кўмир, водород, азот, кислород ҳамда хлор моддалари мавжуд.

Шундай қилиб, аксарият трематоцидлар таркибида хлор ва унинг бирикмалари мавжудлиги, цестодицид воситаларнинг кўпчилигини тузлар ташкил қилиши, нематодаларга қарши самара берувчи воситалар турли-туман кимёвий моддалар – фенол, бензол, тиазол, пиридин, пиперазин бирикмалари эканлиги кенг таъсир доирага эга бўлган антгельминт воситалар бензимидазоллар гуруҳига мансублиги аниқланди. Ушбу маълумотлардан янги антгельминт препаратлар яратишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

**Диссертациянинг «Бензимидазоллар гуруҳига мансуб маҳаллий антгельминт воситалар» деб номланган 4-бобида, ЎзФАнинг ЎМКИда маҳаллий хом-ашё ва технологиялар асосида синтез қилинган 2-ацетиламинобензимидазол (2-АЦБ) ва унинг гидрохлоридли ҳосиласи (2-АЦБ.HCl) ҳамда янги, оригинал технология ва маҳаллий хом-ашёлар**

асосида яратилган ҳамда «Навои Азот ИБ»да ишлаб чиқарилган «Альсус» – албендазолнинг 10 фоизли суспензиясининг антгельминт хусусиятлари ва гельминтларнинг тури гуруҳларига қарши самарадорлиги баён этилган.

Тадқиқотларнинг натижаларига кўра 2-АЦБнинг 100 ва 150 мг/кг миқдори қўйларга оғиз орқали берилганда фасциолаларга нисбатан 100% самара кўрсатди. Бу воситанинг мониезияларга қарши 100 фоизлик самараси эса уни 50, 100 ва 150 мг/кг дозаларда қўлланганда кузатилди. 2-АЦБнинг гидрохлоридли ҳосиласи ҳам айнан 100 ва 150 мг/кг дозада қўйларни фасциолалардан тўлиқ озод қилди, мониезияларга қарши эса бундай самара уни 150 мг/кг дозада қўлланганда кузатилди. Бу воситалар, қўйларнинг ошқозон-ичак нематодозларига қарши юқори кўрсаткичли ЭС кўрсатмаган бўлса ҳам, уларнинг интенссамараси юқори эканлиги аниқланди (5-жадвал).

#### 5-жадвал

### ЎМКИнинг 2-ацетиламинобензимидазол (2АЦБ) ва унинг гидрохлоридли ҳосиласи (2-АЦБ.НСI)нинг антгельминт самарасини албендазол билан таққосий аниқлаш натижалари

Препаратлар	Препаратлар дозаси, мг/кг	Гуруҳлардаги қўйлар сони, бош	Экстензарланган қўйлар сони					
			тажрибадан олдин			дори берилгандан 5 кун кейин		
			ошқозон-ичак строн-гилятоз	фасциолёз	мониезиоз	ошқозон-ичак строн-гилятоз	фасциолёз	мониезиоз
2-АЦБ	25	4	2	3	1	3	3	1
	50	4	3	3	1	3	3	–
	100	4	4	2	4	–	–	–
	150	4	4	3	2	–	–	–
2-АЦБ.НСI	25	3	2	1	1	1	1	1
	50	4	4	4	–	4	3	–
	100	4	4	2	4	4	–	4
	150	4	4	3	2	3	–	–
Албендазол 10% порошок	10	7	7	1	3	1 ед	1 ед	–

### Албендазолнинг янги суспензия шакли – «Альсус» препаратининг антгельминт хусусиятлари

Маҳаллий хомашё ва оригинал технология асосида ЎМКИда илк бор яратилган ва Навои Азот ИБда ишлаб чиқарилган албендазолнинг 10 фоизли суспензияси – Альсусни синаш натижалари (6-жадвал), ушбу воситанинг бир

бош 40 кг тирик вазндаги қўйларга 4 мл, яъни ФТМ ҳисобида 10 мг/кг дозада берилганда унинг умуман гельминтозларга қарши ЭС 30 фоизни, маршаллагия, нематодироз ва бошқа ошқозон-ичак стронгилятозларига 50-66%, мониезияларга қаши 100% экстенссамара кўрсатди. Бу препаратнинг 1 бош қўйга 6 мл дозада, (ФТМ ҳисобида 15 мг/кг) қўллаганда 70% қўйлар умуман гельминтлардан, 100% мониезия, маршаллагия ва нематодирозлардан 70% қўйлар ошқозон-ичак стронгилятозлардан озод бўлганлиги аниқланди.

#### 6-жадвал

#### Альсус (албендазолнинг 10% суспензияси)ни синаш натижалари

№	Гуруҳлар ва синалган препаратлар ҳамда дозалар	Қўйлар сони (бош)	Дори беришдан олдин ЭЗ					Дори беришдан кейин ЭЗ				
			маршаллагияоз	нематодироз	бошқа о/и стронгилятозлар	мониезиоз	умум. зарарланганлик	маршаллагияоз	нематодироз	бошқа о/и стронгилятозлар	мониезиоз	умум. зарарланганлик
I	I гуруҳ албендазол 10% суспензия (альсус) 4 мл/бош	10	40,0	40,0	100,0	20,0	100,0	20,0	10,0	50,0	–	70,0
II	II гуруҳ албендазол 10% суспензия 6 мл/бош	10	40,0	30,0	100,0	–	100,0	–	–	30,0	–	30,0
III	III гуруҳи дори берилмаган	4	75,0	50,0	100,0	–	100,0	75,0	50,0	100,0	–	100,0

Бу тажрибалардаги назорат гуруҳ 4 бош қўйларнинг гельминтлар билан зарарланганлигида ўзгариш кузатилмади.

Бу воситанинг, яъни ЎМКИда яратилган маҳаллий препарат – Альсуснинг узоқ вақт сақланиш ҳолати, яъни суспензия ҳолати 3 йил давомида (кузатиш даври) ўзгармади. Бу жиҳатдан маҳаллий препарат – Альсус, чет-эл фирмаларида ишлаб чиқарилган препаратлардан устун эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Хиназолин ва хиназолин гидрохлориднинг антгельминт хусусиятлари» деб номланган 5-бобида маҳаллий, ЎМКИда

синтез қилинган хиназолин-4-он ва унинг гидрохлоридли ҳосиласи илк бор антгельминт восита сифатида лаборатория ва бевосита чорвачилик хўжаликлар шароитида синовдан ўтказилди.

Хиназолин-4-он ва унинг гидрохлоридли ҳосиласи ўртача захарли моддалар бўлиб, уларнинг LD<sub>50</sub> дозаси оқ сичқонларда 450 мг/кгни ташкил қилади.

Хиназолин-4-он ва унинг гидрохлоридли ҳосиласининг антгельминт хусусиятларини аниқлаш натижаларига кўра ушбу воситалар қўйларнинг хавфли ва кенг тарқалган гельминтози – фасциолёзга қарши юқори самара кўрсатиши аниқланди.

Хиназолин-4-он ва унинг гидрохлориди ҳосиласи фасциолаларга нисбатан маълум даражаси фаолликка эга бўлиб, уларнинг ҳатто 20 мг/кг дозаси қўйларнинг фасциолёзига қарши 33,3% ЭС кўрсатди. Препаратнинг 25-150 мг/кг дозалари 47,5-100,0% қўйларни фасциолалардан озод қилди; (7-жадвал).

#### 7-жадвал

#### Хиназолин-4-оннинг фасциолоцид фаоллиги

Препаратнинг дозалари	Тажрибадаги қўйлар сони (бош)	Экстензарарланганлик (ЭЗ)				Экстенссамара (ЭС), %
		препарат беришдан олдин		препарат беришдан 5 кун кейин		
		бош	%	бош	%	
20	8	6	75,0	4	50,0	33,4
25	4	3	75,0	1	25,0	67,4
30	8	7	87,5	1	12,5	71,6
50	4	4	100,0	–	–	100,0
80	10	8	80,0	–	–	100,0
100	21	17	80,9	9	42,9	47,5*
150	54	33	61,1	5	9,2	85,0*
Ҳар хил дозалар	109	78	71,5	20	25,1	73,4

\*-фасциолалар билан интензарарланганлик 2-3 баробар паст

Хиназолинларнинг фасциолёзга қарши ЭСси унча юқори бўлмасда уларнинг интенссамараси (ИС) қоникарли даражада юқори бўлиб уларнинг қўйлар фасциолёзига қарши тавсия қилинадиган оптимал дозаси 100 мг/кг деб ҳисоблаймиз.

Хиназолинни чорва моллари фасциолёзига қарши антгельминт восита сифатида қўллаш бўйича бизнинг тадқиқотларимиз Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк Агентлиги томонидан «Ихтиро» деб қабул қилинган ва 2018 йил 12 октябрида IAP20150269 рақамли Патент олинди ва бу воситани қўллаш бўйича «Қўлланма» ишлаб чиқилди ва Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланди (2021 йил 18 ноябр).

## ХУЛОСАЛАР

1. Қўйлар орасида асосий гельминтозлар: маршаллагияоз 47,4 фоизни, нематодироз 39,6%, бошқа ошқозон-ичак стронгилятозлар 71,73%, фасциолёз 25,6%, мониезиоз 10,4%, ташкил қилиши, умуман гельминтозлар билан 85,6% қўйлар зарарланганлиги аниқланди.

2. Қорамолларнинг 68,4 фоизи турли гельминтозлар билан зарарланган бўлиб, улар орасида 36,2% маршаллагияоз, 15,5% нематодироз, 50,2% бошқа ошқозон-ичак стронгилятозлари, 4,29% фасциолёз, 3,6% парамфистоматозлар, 4,07% мониезиоз кўзғатувчилари аниқланди.

3. Отларнинг 80,82 фоизи турли гельминтозлар билан, шу жумладан уларнинг 64,8% стронгилёз, 17,88% стронгилоидоз, 16,44% параскаридоз, 38,35% трихонемоз, 4,10% оксиуроз, 2,7% анопцефалёз ва 17,9 фоизи фасциолёз билан зарарланганлиги намоён бўлди.

4. Парранда, яъни ерда боқиладиган товуклар орасида гельминтозлар кенг тарқалган бўлиб, уларнинг 80,15 фоизи турли гельминтозлар билан, жумладан 44,8% аскаридиоз, 30,9% гетеракидоз, 2,38% райетиноз, 0,79% простогонимоз каби гельминтозлар ва 11,1 фоиз товуклар эса кокцидиоз билан зарарланганлиги аниқланди.

5. Антгельминт воситаларнинг кимёвий хусусиятлари билан уларнинг гельминтларга қарши фаоллиги орасидаги боғлиқликни аниқлаш мақсадида таҳлил қилинган 72 хил кимёвий моддаларнинг 12 таси (16,7%) трематодоцид, 9 та (12,5%) препарат цестодоцид, 48 та (66,6%) нематодоцид воситалар эканлиги, 3 та препарат эса (4,2%) кенг таъсир доирага эга бўлган антгельминт воситалар эканлиги аниқланди.

6. Трематодоцид воситаларнинг кўпчилиги, яъни 75 фоизи, таркибида хлор бўлган моддалар, цестодоцидларнинг эса аксарияти (66,6%) мис, калий, кальций ва мишьяк тузлари, нематодоцидлар эса турли органик бирикмалар – бензол, фенол, пиперазин, кенг таъсир доирага эга бўлган антгельминт воситалар эса бензимидазол ҳосилалари бўлиб ҳисобланади.

7. ЎМКИда яратилган 2-ацетиламинобензимидазол (2-АЦБ) ҳатто кичик дозаларда, яъни 25 ва 50 мг/кг дозаларда қўйларни маршаллагия ва нематодирусдан тўлиқ (100%) озод қилиши, бошқа ошқозон-ичак нематодозларига қарши 50-60% экстенссамара кўрсатиши, бу воситанинг 100 мг/кг миқдори қўйларни маршаллагия, нематодирус ва бошқа ошқозон-ичак стронгилятларидан тўлиқ озод қилиши (ЭС=100%) аниқланди.

8. 2-АЦБнинг антгельминт хусусияти ва самарадорлиги узоқ вақт (30 йилдан кўп) сақланади: таққосий тадқиқотларда 1980 йилларда Фарғона “Азот” ИБда ишлаб чиқарилган 2-АЦБ билан бу модданинг 2016-2018 йилларда ЎМКИда ишлаб чиқарилган препарати билан бир хил антгельминт самарага эга эканлиги аниқланди.

9. ЎМКИда ишлаб чиқилган албендазолнинг суспензия шакли “Альсус” – Республикада яратилган биринчи суспензия шаклидаги антгельминт восита

бўлиб, у кенг антгельминт таъсир доирага эга. Бу воситани фаол таъсир этувчи моддаси (ФТМ) ҳисобида 15 мг/кг миқдорда қўллаганда унинг самарадорлиги юқорироқ бўлиши аниқланди: умумий зарарланганлик ва ошқозон-ичак стронгилятозларига қарши ЭС 70% ни ташкил қилди, Навои Азот ИБда ишлаб чиқарилган албендазол суспензияси - “Альсус” ўзининг “суспензия” ҳолатини 3 йилдан кўпроқ муддатда сақланиши аниқланди.

10. Ўзбекистон ФАнинг ЎМКИда синтез қилинган хиназолин-4-он ва унинг гидрохлоридли ҳосиласи қўйларнинг фасциолёзига қарши қониқарли самара берувчи маҳаллий антгельминт восита бўлиб, қўйларга 100 ва 150мг/кг дозаларда оғиз орқали юборилганда 57,0-85,0 фоиз ЭС кўрсатди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ РнД.06/29.10.2021.V.139.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ ВЕТЕРИНАРИИ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРИИ**

**УЛАШОВ ИЛХОМ АХМАДОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА НОВЫХ МЕСТНЫХ АНТГЕЛЬМИНТНЫХ СРЕДСТВ  
НА ОСНОВЕ БЕНЗИМИДАЗОЛА И ХИНАЗОЛИНОВ**

**03.00.06 – Зоология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РнД)  
ПО ВЕТЕРИНАРНЫМ НАУКАМ**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером №В2019.2.PhD/V30.**

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте ветеринарии.

Автореферат диссертации доктора философии PhD) на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.viti.uz](http://www.viti.uz)) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Орипов Анвар Орипович**

доктор ветеринарных наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Гафуров Ақтам Гафурович**

доктор ветеринарных наук, профессор

**Давлатов Равшан Бердиевич**

доктор ветеринарных наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Государственный комитет по ветеринарии  
и развитию животноводства Республики  
Узбекистан**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 г. в \_\_\_ часов на заседании научного совета PhD.06/29.10.2021.V.139.01 по присуждению ученых степеней при Научно-исследовательском институте ветеринарии, (Адрес: 140103, город. Тайляк, ул. А.Беруний, 35, Тел.: (+99866) 666-56-60; факс:(+99866) 666-56-66; e-mail: [nivi@vetgov.uz](mailto:nivi@vetgov.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института ветеринарии (зарегистрирована за №\_\_\_\_). (Адрес: 140103, город. Тайляк, ул. А.Беруний, 35, Тел.: (99866) 666-56-60; факс: (99866) 666-56-66).

Автореферат разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.  
(протокол рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2022 г.

**Б.А.Элмуродов**

Председатель научного совета по  
присуждению учёной степени, д.в.н., ст.н.с.

**Ж.М.Исаев**

Учёный секретарь научного совета по  
присуждению учёной степени, к.в.н. ст.н.с.

**Г.Х.Мамадуллаев**

Председатель научного семинара по  
присуждению учёной степени, д.в.н., ст.н.с.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире на сегодняшний день серьёзным препятствием в развитии животноводства, увеличении поголовья животных и повышении их продуктивности являются инфекционные, паразитарные и незаразные заболевания животных, в т.ч. и гельминтозы (фасциолез, маршаллагриоз, нематодироз, желудочно-кишечные стронгилятозы и монезиоз). «Ежегодно для производства новых антгельминтных препаратов с целью лечения и профилактики гельминтозов в ветеринарии расходуются 400 миллионов, а в медицине более 800 миллионов долларов»<sup>1</sup>. Определение основных широкораспространенных гельминтозов животных и птиц, усовершенствование мер борьбы с ними, а также создание новых антгельминтных препаратов на основе местного сырья – является одной из важнейших задач.

Для борьбы с гельминтозами в мировом масштабе в ряде стран мира, в том числе США, Англии, Франции, Германии, Индии и других, проводятся многосторонние и глубокие исследования по разработке новых высокоэффективных антгельминтных средств (бензимидазолы, трибендимин, триклабендазол, оксифендазол, рекабендазол и других) и технологий их применения.

На ряду с другим отраслями, в республике усиленно развивается и животноводство. Однако, в последние годы возникновение новых форм хозяйствования и изменения в технологии ведения животноводства, пополнение поголовья животных с целью улучшения породности завозным скотом приводят к изменениям генофонда и естественной резистентности в местных условиях, которые, в свою очередь, являются причиной осложнения эпизоотологической ситуации в животноводческих хозяйствах. В связи с этим, определение распространения инфекционных, инвазионных и незаразных заболеваний, в том числе гельминтозов, животных, усовершенствование лечебно-профилактических методов и средств, разработка и внедрение современных мер борьбы, новых высокоэффективных средств лечебно-профилактического назначения на основе местного сырья против этих болезней являются очень важными и актуальными.

Научные исследования, проведенные в рамках данной диссертации имеют определенное значение в деле выполнения задач, намеченных Указами Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы»<sup>22</sup> №УП-60, «О мерах по конкретному совершенствованию системы государственного управления в сфере ветеринарии и животноводства» от 28 марта 2019 года №УП-5696, в соответствии с Постановлением №ПП-

---

<sup>1</sup>Joseph A.DiMasi, Ronald W.Hansen, Henry G.Grabowski. The price of innovation: new estimates of drug development costs. // Journal of Health Economics. Volume 22, Issue 2, March 2003, Pages 151-185.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони.

